

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСЛОНОВ НОРҚУЛ РАББОНАЕВИЧ**

**ҚАТТИҚ ВА МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЕКИСЛАШ ВА КЎМИШГА  
МЎЛЖАЛЛАНГАН БУЛЬДОЗЕР ОТВАЛИНИНГ АСОСИЙ  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АСОСЛАШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Аслонов Норкул Раббонаевич**

Қаттиқ ва майшиқ чиқиндиларни текислаш ва кўмишга мўлжалланган  
бульдозер отвалининг асосий параметрларини ишлаб чиқиш ва  
асослаш.....3

**Аслонов Норкул Раббонаевич**

Разработка и обоснование основных параметров отвала бульдозера  
предназначенного для разравнивания и захоронения твердых и бытовых  
отходов.....24

**Aslanov Norkul Rabbanayevich**

Development and justification of the main parameters of a bulldozer blade  
for digging and leveling solid and house hold waste.....42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСЛОНОВ НОРҚУЛ РАББОНАЕВИЧ**

**ҚАТТИҚ ВА МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЕКИСЛАШ ВА КЎМИШГА  
МЎЛЖАЛЛАНГАН БУЛЬДОЗЕР ОТВАЛИНИНГ АСОСИЙ  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АСОСЛАШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2021**

**3**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т1676 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ханкелов Тавбай Қаршиевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Базаров Бахтиёр Имамович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Астанақулов Комил Дуллиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «16» 10 соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхожаев кўчаси 1-уй. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit\_rektorat@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (036 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхожаев кўчаси 1-уй. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit\_rektorat@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 10 кун тарқатилди.  
(2021 йил «08» 10 даги 6 рақамли реестр баённомаси).



**А.А. Рискулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Р.М. Худайқулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

**А.А. Мухитдинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда инсонларнинг ҳаёт фаолияти натижасида пайдо бўлган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг шаҳарлар ва аҳоли пунктларига зарарли таъсирини камайтириш, яъни шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг экологик хавфсизлигини таъминлашда чиқиндиларни ўз вақтида йиғиш, ташиш ва полигонларда зарарсизлантириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, кўпгина хорижий давлатларда жумладан, АҚШ, Германия, Япония, Швеция, Франция давлатларида чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, чиқиндиларни йиғиш, ташишни ташкил этиш, қайта ишлаш ва полигонларда зарарсизлантириш жараёнларида замонавий техника ва технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, полигонларда қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмишда ишлатиладиган бульдозерлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қаттиқ маиший чиқиндиларни полигонларда текислаш ва кўмишда ишлатиладиган бульдозерлар конструкторлик-технологик параметрларини оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу сабабли, қаттиқ маиший чиқиндиларни полигонларда текислаш ва кўмишда ишлатиладиган бульдозер отвали асосий параметрларининг рационал қийматларини ишлаб чиқиш учун чиқиндиларнинг тўпланиш ҳажми, хоссалари, уларни йиғиш ва ташиш, қайта ишлаш ва зарарсизлантириш тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш зарур. Бу борада ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари учун мослашувчан, яъни бульдозерларнинг кўп мақсадли янги ишчи органларини яратиш ва уларнинг рационал параметрларини танлаш усулларини ишлаб чиқиш, назарий ва амалий тадқиқотларининг асосий зарур масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамизда йилига тахминан 14,5 млн.тонна қаттиқ маиший чиқинди ҳосил бўлиб, улар “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси ва бошқа хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналар томонидан Республика ҳудудида жойлашган 230 та полигонга ташиб кетилади. Полигонларда қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмишда ишлатиладиган бульдозер отвали асосий параметрлари грунтни текислаш ва кўмиш жараёнларида пайдо бўладиган қаршилик кучлари бўйича аниқланган бўлиб, қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмишда бульдозер тортиш кучи тўлиқ ишлатилмайди. Бу ҳолат қаттиқ маиший чиқиндиларнинг ҳажмий оғирлигининг грунтларга нисбатан 3,5-4 баробар кам эканлиги билан изоҳланади. Шу сабабли қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмишда ишлатиладиган бульдозер отвали асосий параметрларини ишлаб чиқиш ва асослаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2017 йилдаги ПФ-5024-сон “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув

тизимини такомиллаштириш тўғрисида”<sup>1</sup>ги Фармонига мувофиқ, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назорати ўрнатилиши лозим. Шу жиҳатдан мазкур масалани ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати таркибида, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, қайта ишланиши, кўмилиши ва бу барча ишларнинг амалга оширилишини назорат қилиш инспекциянинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПФ-841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида (11.6-вазифа куйидагича шакллантирилган: 2030 йилгача шаҳар экологиясининг аҳолига салбий таъсирини камайтириш, бунда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ва кўмишга алоҳида эътибор қаратиш) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 – 2028 йиллар даврида “Ўзбекистон Республикаси қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон Қароридан ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган кўзда тутилган вазифаларни бажарилишини таъминлашда ушбу диссертация маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Йўл қурилиш машиналари ишчи органларининг турли муҳитлар билан ўзаро таъсир жараёнлари қонуниятларини тадқиқ қилиш бўйича дунёнинг йирик олимлари: М. Samson, М. Bekker, К. Vuemar, Н.Т. Домбровский, А.Н. Зеленин, А.Д. Далин, А.А. Яркин, Ю.А. Ветров, К.А. Артемьев, В.И. Баловнев, Н.П. Керов, Л.А. Хмара, И.А. Недорезов, А.М. Завьялов ва жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, университетлари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган.

Республикада йўл қурилиш машиналари ишчи органларининг грунтлар билан ўзаро таъсирлашиш жараёнлари қонуниятлари ва машиналар ишчи органлари параметрларини оптималлаштириш масалалари бўйича Т.И. Аскарходжаев, Р.У. Шукуров, А.А. Абдураззақов, А.С. Хасанов, М.С. Мирсадиқов., К. Хаитов, Е.Е. Норкин, Б.Ж. Алимов, Ш.М. Асранов, Т.Қ. Ханкелов ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо бу тадқиқотларда солиштирма зичлиги паст материалларни, хусусан, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашда бульдозерларнинг тортиш хусусиятларидан самарали фойдаланиш масалалари кўрилмаган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПФ-5024-сонли фармони

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университетинг № 216/2018 «Кўтариш-ташиш йўл қурилиш машиналари ва жихозларининг конструкцияларини такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» (2018-2020) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** полигонларда қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмишга мўлжалланган бульдозер отвалининг самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тошкент шаҳрида тўпланадиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг морфологик, фракцион ва фракция ўлчамларига кўра морфологик таркибларини аниқлаш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жихозланган бульдозер отвали ёрдамида текислаш ва кўмиш жараёнлари қонуниятларини тадқиқ қилиш;

ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жихозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш жараёнида ҳосил бўладиган элтиш призмасининг шаклланиши қонуниятларини тадқиқ қилиш;

ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жихозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш жараёнини физик моделлаштириш услубини ишлаб чиқиш;

ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жихозланган бульдозер отвали асосий параметрларининг рационал қийматларини асослаш;

ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жихозланган бульдозерни қўллашдан келадиган иқтисодий самарадорликни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмишга мўлжалланган бульдозер отвали танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмишга мўлжалланган бульдозер отвалининг асосий параметрларининг рационал қийматларини ишлаб чиқиш ва асослаш масалалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда назарий ва амалий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, физик моделлаштириш, синов ва кучланишни ўлчаш (тензометрия) усуллари, шунингдек, мавжуд меъёрий ҳужжатларда келтирилган усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жихозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмиш жараёнларида отвалда ҳосил бўладиган асосий қаршилик кучининг горизонтал ташкил этувчиси  $R_{k1}$  яъни отвалнинг энг асосий параметрлари, ёнлама кенгайтиргични ўрнатиш бурчаги- $\alpha_{\text{ёк}}$ , отвал эни- $B$ , бульдозер ҳаракатланиш

тезлигини ҳисобга олувчи коэффициент ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни қозиш чуқурлигига- $h$  боғлиқлиги “Сочилувчан муҳит чегаравий ҳолати назарияси” такомиллаштирилган;

ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмиш жараёнларида элтиш призмасининг шаклланиш жараёни қонуниятлари Кулон-Мор қонунидан фойдаланилган ҳолда такомиллаштирилган;

бульдозер ҳаракатланиш тезлигининг қаттиқ маиший чиқиндиларни қозишга қаршилик кучи қийматига таъсири қонуниятлари ўрнатилган, бунда: бульдозер тезлиги  $v < 1,5$  м/с бўлганда тезлик коэффициенти  $k_9=1$  ва бульдозер тезлиги  $1,5 < v < 3,5$  м/с да тезлик коэффициенти  $1 < k_9 < 1,3$  оралиғида ўзгариши қонуниятлари яратилган;

ўхшашлик назарияси ва моделлаштириш назарияси қонуниятларига асослангандан ҳолда қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмиш жараёнларини физик моделлаштириш усули такомиллаштирилган;

ён кенгайтиргичлар ва вертикал панжаралар билан жиҳозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндилар уюмини қозиш, текислаш ва зичлаш жараёнлари сифатини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими илк бор яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмишда бульдозер иш унумдорлигининг оширилишини таъминловчи ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали конструкцияси ишлаб чиқилган ва қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш жараёнида бульдозер иш унумдорлиги 30-35% га ортган;

ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали конструкциясини ишлаб чиқиш орқали машинанинг кўп мақсадлилигига эришилган;

ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали асосий параметрларини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотлар ўлчашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда олиб борилганлиги билан тасдиқланади. Ўхшашлик назарияси ва сочилувчан муҳитлар статикаси назариялари асосларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган назарий натижалар, тажриба тадқиқотларининг натижалари билан ўзаро мослиги ва реал иқтисодий фойда билан ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш жараёни ҳамда маиший чиқиндиларни текислаш жараёнида шаклландиган элтиш призмаси ҳажмини ҳисоблашнинг математик моделлари ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни



текислаш ва кўмиш жараёнларида элтиш призмасининг шаклланиш босқичлари таҳлил қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали конструкциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат. Полигонларда қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмишда ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозерлардан фойдаланиш машиналар паркиннинг сонини оптималлаштиради ва қаттиқ маиший чиқиндиларни кўмишда фойдаланиладиган бульдозерларнинг унумдорлигини оширади, бу эса ўз навбатида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш таннархини сезиларли камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвалининг асосий параметрларини ишлаб чиқиш ва асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали конструкциясининг рационал параметрлари “Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш станцияси” давлат унитар корхонасида ишлаб чиқишга жорий этилган (“Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” давлат қўмитасининг 2021 йил 29 январдаги 02-02-8/364-сон маълумотномаси). Натижада ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали конструкциясини ишлаб чиқиш орқали машинанинг кўп мақсадлилигига эришилган;

қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмиш иш жараёнларини таҳлил қилиш ҳамда жараёнларнинг математик моделлари “Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш станцияси” давлат унитар корхонасида жорий этилган (“Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” давлат қўмитасининг 2021 йил 29 январдаги 02-02-8/364-сон маълумотномаси). Натижада қаттиқ маиший чиқиндиларни текислашда бульдозер отвалининг конструкцияси иш жараёни такомиллаштирилган, фойдали иш коэффициенти ҳамда иқтисодий самарадорлиги ортган;

ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвалини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар натижалари “Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш станцияси” давлат унитар корхонаси томонидан тадбиқ этишга қабул қилинган (“Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” давлат қўмитасининг 2021 йил 29 январдаги 02-02-8/364-сонли маълумотномаси). Натижада назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра бульдозер отвалининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган, унинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш самарадорлигини мавжуд техникаларга нисбатан 30-35 % га оширади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда (1 таси Scopus базасидаги) нашр этилган, шунингдек, ЭҲМ дастурига 1 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шаклланган, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ва апробацияси, шунингдек, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш муаммосининг ҳолати. Тадқиқот мақсади ва вазифалари”** деб номланган биринчи бобида дунё мамлакатлари каби Ўзбекистон Республикасида ҳам қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш муаммолари ўта муҳим ўрин туради. Чиқиндилар экологик хавфсизлик ва фуқаролар саломатлигига таҳдид солувчи муаммога айланган. Улар атроф-муҳитга, шу жумладан, ер ресурслари, ер усти ва ер ости сувлари, ўрмонлар ва бошқа ўсимликлар, шунингдек, ҳайвонларнинг яшаш муҳити, ҳаво муҳити ҳамда атроф-муҳитнинг бошқа таркибий қисмлари ва объектларига салбий таъсир кўрсатади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни текислашда ишлатиладиган ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвалининг аналоги яратилиши ва эксплуатацион хоссалари бўйича МДҲ ва чет эл давлатлари манбаалари бўйича ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра бульдозер тортиш кучидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, бу бобда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг текислаш жараёнларининг технологиялари бўйича чет эл ва республикаимиз олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Бульдозер иш жараёнининг назарий таҳлили ва конструкция самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган иккинчи бобида бульдозер иш жараёнини тадқиқ қилиш, ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш жараёни математик модели ҳамда бульдозер иш

унумдорлигини белгиловчи асосий омил, яъни элтиш призмасининг математик модели ишлаб чиқилган.

Чет эллик олимлар томонидан грунтни кесиш тезлигининг уни текислашга қаршилик кучига таъсирини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган хусусан, т.ф.н. А.Семкин (СиБАДИ, Россия) ўтказган тадқиқотларида кесиш тезлиги ошиши билан текислашга қаршилик ортади деган хулосага келган. Ушбу ҳолатни ўрганиш учун “Технологик машиналар муҳандислиги” кафедрасида махсус яратилган физик моделлаштириш стендида кесиш тезлигининг текислаш қаршилигига боғлиқлигини аниқлаш бўйича бир қатор тажрибалар ўтказилган. Эксперимент натижалари 1-жадвалда келтирилган. Ишланаётган муҳит турига қараб иш тезлигининг турли қийматлари учун динамик омилнинг қийматлари кўрсатилган.


### Динамик қаршилик коэффиценти қийматлари

1-жадвал

№	Ишланаётган муҳит тури	Бульдозернинг иш қийматлари оралиғи, (м/с)			
		1,5-2,0	2,0-2,5	2,5-3,0	3,0-3,5
1	Лой	1,10-1,20	1,20-1,30	1,30-1,40	1,40-1,50
2	Қумли грунт	1,00-1,10	1,10-1,20	1,20-1,30	1,30-1,40
3	Қум	1,00-1,10	1,00-1,10	1,20-1,30	1,20-1,30
4	Табиий ҳолдаги қаттиқ маиший чиқиндилар	1,00	1,00-1,10	1,20-1,30	1,20-1,30
5	Майдаланган қаттиқ маиший чиқиндилар	1,00-1,10	1,00-1,10	1,20-1,30	1,20-1,30

1-жадвалнинг таҳлили динамик қаршилик коэффиценти нафақат кесиш тезлигига, балки ишланаётган муҳит турига ҳам боғлиқлигини кўрсатади. Атроф-муҳит қанчалик қаттиқ бўлса, яъни муҳитдаги структуравий боғланишлар қанчалик кучли бўлса, уни йўқ қилиш учун шунча кўп энергия сарфланади.

1-расмда отвал билан қаттиқ маиший чиқиндиларни элтиш призмасининг отвал ва ёнлама кенгайтиргич билан биргаликда грунтни ёнлама валикка тўкилгунча йиғиш иш жараёнлари кўрсатилган. Бу ҳолатда отвал ва ёнлама кенгайтиргичнинг кесувчи пичоқлари кесиш жараёнида иштирок этмайди ва доимо қалинлаштирилган қаттиқ маиший чиқиндилар сирти билан контактда бўлади. Олдиндан элтиш призмаси томонидан йиғилган қаттиқ маиший чиқиндиларни ёнларга йўқотишсиз максимал ҳажмда амалга оширилади.



**1-расм. Ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвал ишчи органи билан қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш жараёни схемаси**

Ишчи органдаги қаршилик фақат элтиш призмасининг отвал ва ёнлама кенгайтиргичлар олдидаги қаршилиги билан ифодаланади:


$$P_{k1} = \gamma_p \cos^2 \rho \frac{BH_{np}^2}{2} + \gamma_p \cos^2 \rho \frac{(B_0 - B)H_{np}^2}{2} = \gamma_p \cos^2 \rho \frac{B_0 H_{np}^2}{2} \quad (1)$$

тезлик коэффициентини инобатга олган ҳолда:

$$P_{k1} = k_g \gamma_p \cos^2 \rho \frac{B_0 H_{np}^2}{2} \quad (2)$$

бу ерда  $k_g$  - тезлик коэффициенти, м/с.

2-расмда бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмиш иш жараёнлари кўрсатилган.



**2-расм. Ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмиш иш жараёнлари схемаси.**

Отвал пичоғи ва ёнлама кенгайтиргичлар билан текислаш ва кўмишда горизонтал қаршилигининг компоненти куйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_{k1} = k_g A_\alpha A_1 \sin \alpha_p \left[ \frac{\gamma \sin \alpha_p}{2} + c_\omega \operatorname{ctg} \rho \left( 1 - \frac{1}{A_1} \right) \right] \left( B + (B_0 - B) \cos \alpha \right) + k_g \gamma_p \cos^2 \rho \frac{BH_{np}^2}{2} \quad (3)$$


қаттиқ майший чиқиндиларни отвал ва ёнлама кенгайтиргичлар ёрдамида текислаш ва ташиш пайтида элтиш призмасининг ҳажми уч қисмнинг йиғиндисига тўғри келади:

$$V = V_1 + 2V_2 + 2V_3, \quad (4)$$

бу ерда:  $V_1$  - элтиш призмасининг марказий қисми ҳажми;

$V_2$  - ёнлама кенгайтиргичларга туташган ва марказий призманинг баландлигига тенг баландликка эга ён призманинг ҳажми;

$V_3$  - ёнлама кенгайтиргичларга туташган, ўзгарувчан баландликка эга ён призманинг ҳажми.



**3-расм. Ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган отвал ишчи органининг қаттиқ майший чиқиндиларни бир вақтнинг ўзида отвал ва ёнлама кенгайтиргичлар билан текислаш ва кўмиш пайтидаги элтиш призмасининг ҳажмини аниқлашнинг ҳисоблаш схемаси**

Элтиш призмасининг тўлиқ ҳажмини ташкил қилувчи қисмлар куйидагига тенг

$$V_1 = S_1 B, V_2 = \frac{1}{3} B_2 (S_1 + \sqrt{S_1 S_2} + S_2) \quad V_3 = \frac{1}{3} (l_{\sigma y} \cos \alpha - B_2) (S_2 + \sqrt{S_2 S_\sigma} + S_\sigma), \quad (5)$$

Шунда элтиш призмасининг умумий ҳажми куйидагича бўлади:

$$V = S_1 B + \frac{2}{3} B_2 (S_1 + \sqrt{S_1 S_2} + S_2) + \frac{2}{3} (l_{\sigma \sigma} \cos \alpha - B_2) (S_2 + \sqrt{S_2 S_\sigma} + S_\sigma), \text{ м}^3 \quad (6)$$

Отвал туридаги ишчи жиҳозларни ишлаш режими ва ҳар бир кўриб чиқиладиган конструкция вариантларида элтиш призмаси билан ташиладиган қаттиқ майший чиқиндилар ҳажмини  $V$  деб билган ҳолда бульдозернинг техник иш унумдорлигини куйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$P_T = 3600 \times \frac{VK_K K_Y K_C}{T_{Ц}}, \text{ м}^3/\text{с} \quad (7)$$

бу ерда:  $K_K$  - машинистнинг квалификациясини белгиловчи коэффициент;  
 $K_Y$  - рельефнинг нишаблигини ҳисобга олиш коэффициенти;

$K_C$  - қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиш пайтидаги сақлаш коэффициенти;

қаттиқ маиший чиқиндиларни  $L_{энт}$  ташиш масофасига боғлиқ ҳолда  $K_C = 1 - 0,005L_{энт}$  деб оламиз.

Статик формулалар ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш жараёнларининг таҳлили олиб борилган ва бульдозернинг техник иш унумдорлиги формуласи ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозернинг қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмиш жараёнларини экспериментал тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи боби қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмиш жараёнларини физик моделлаштириш, экспериментал тадқиқотларни ўтказиш дастури ва методикаси, қаттиқ маиший чиқиндиларнинг морфологик ва фракцион таркиблари ҳамда фракция ўлчамларига кўра морфологик таркибини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар, қаттиқ маиший чиқиндиларни бульдозер ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган отвали билан текислаш ва кўмиш жараёнларининг экспериментал тадқиқотлари натижаларига бағишланган.

Ҳисоблар шуни кўрсатдики, табиий шароитда тажрибалар ўтказиш жуда кўп вақт ва маблағ талаб қилади. Текислаш ва кўмиш жараёнларининг мунтазамлигини, шунингдек, параметрлар орасидаги боғлиқликни полином шаклда аниқлаш учун физик моделлаштириш усулларидадан фойдаланиш керак. Бундан ташқари физик моделлаштириш усуллари асосида экспериментлар ўтказиш, шу жумладан, аналитик ечимларни текширишга қаратилган харажатларни сезиларли даражада камайтиради. қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш даврида бульдозер отвали қуйидаги параметрлар билан ифодаланиши мумкин: эгрилик радиуси  $R$ , эни  $B$  (кенгайтиргич билан), баландлик  $H$  (вертикал панжара билан), кесиш бурчаги  $\alpha$  ва кенгайтиргич ўрнатиш бурчаги  $\alpha_{эк}$  билан. Қазииш ишлари режими кесиш чуқурлиги  $h$ , отвалнинг ҳаракатланиш тезлиги  $\mathcal{G}$  ва эркин тушиш тезлиги  $g$  билан аниқланади.

қаттиқ маиший чиқиндилар ёпишқоқлик (бирикувчанлик)  $c$  билан ифодаланувчи муҳит, ички  $\rho$  ва ташқи  $\delta$  ишқаланиш бурчаги ҳамда ҳажмий оғирлик  $\gamma$  билан тавсифланади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш жараёнидаги кучланиши  $P$  қуйидагига боғланишга эга:

$$P = f(R, B, H, \alpha, \alpha_{эк}, \rho, c, h, \delta, \mathcal{G}, g, \gamma), \quad (8)$$

(8) формуладан келиб чиқадики, текислаш жараёни 13 та параметр билан ифодалангани ( $n = 13$ ), лекин улардан тўрт нафари ( $\alpha, \alpha_{\text{до}}, \rho, \delta$ ) автоматик тарзда ўхшашлик критериясидир, қолган  $13 - 4 = 9$  физик катталикларнинг қиймати уч асосий ўлчов бирлиги – куч  $P$ , узунлик  $L$  ва вақт  $T$  орқали тавсиф қилиниши мумкин.

Отвалнинг баъзи параметрлари учун технологик мулоҳазалардан ёки бирламчи маълумотлардан келиб чиқувчи чекловлар қўйилди, масалан, отвалнинг эгрилик радиуси  $R = (0,9 \dots 1,1)H$  қийматида ўзгариб турган - унинг қиймати кам энергия сарфлаш ва унумдорликни максимал даражага кўтариш сабаблари асосида чекланган.

Ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозернинг иш режими ҳамда асосий параметрларини асослаш ва назарий хулосаларни текшириш вазифасига мувофиқ, қуйидаги саволлар экспериментал тадқиқотлар дастурига киритилган.

1. Горизонтал текислаш кучининг қийматларини қуйидагиларга қараб ўрганиш мумкин:

бульдозер отвалининг ёнлама кенгайтиргичини бўйлама ўқига нисбатан ўрнатиш бурчаги;

отвалнинг чизиқли ўлчамлари; бульдозер отвали билан қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш тезлиги; қаттиқ маиший чиқиндиларнинг ҳажмий оғирлиги.

2. Ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвалининг физик моделини ишлаб чиқиш ва унинг асосий параметрларини, шунингдек, иш режимларини оптималлаштириш.

3. Ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвалининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Бульдозер отвалининг самарадорлигини таҳлил қилиш учун юқорида кўрсатилганидек, энергия ва материаллар сарфи тўғрисидаги маълумотлар талаб қилинади. Шу мақсадда иш унумдорлик қийматини, шунингдек, энергия харажатларини ҳисоблаш керак. Экологик чекловлар қўйилган тақдирда, масалан, атроф-муҳитнинг иккиламчи ифлосланишида. Бинобарин, бульдозер ишининг сифат мезонлари атроф-муҳитнинг иккиламчи ифлосланишини камайтирган ҳолда зарурий иш унумдорлигини таъминлаши билан белгиланади.


Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг морфологик ва фракцион таркибини ҳамда фракцияларнинг ўлчамларига қараб, морфологик таркибини ўрганиш учун Тошкент шаҳрида 10 та чиқинди йиғиш пункти танлаб олинди.

Тадқиқотлар уч йил давомида йил фаслларида кўра амалга оширилди, яъни: киш, баҳор, ёз, куз. Барча ўнта майдонлар учун чиқиндилар умумий массасининг ўртача фоизи ҳисоблаб чиқилди ва ўртача йиллик қиймати аниқланди. Морфологик таркибни аниқлаш ишлари хом чиқиндиларда, яъни табиий ҳолатдаги чиқиндиларда олиб борилди. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг фракцион таркиби чиқиндини ташкил қилувчи таркибий қисмлар, яъни морфологик таркиби билан белгиланади. Шундай қилиб, озиқ-

овқат чиқиндиларида ўлчамлари 50 мм дан кам бўлган фракциялар қанча кўп бўлса, чиқиндилар таркибида шунча кўп кичик фракциялар мавжуд. Ва аксинча, ҳажми 150 мм дан ошиқроқ бўлган қадоқлаш материаллари (қоғоз, ёғоч) умумий чиқиндилар оқимига тушиб қолса, чиқиндилар массасининг катта қисми йирик фракцияларга тўғри келади. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг фракцион таркибини аниқлаш учун катаклари 250 x250 мм; 150x 150 мм; 100 x100 мм; 50x 50 мм; 15 x15 мм ўлчамдаги элак яратилди.

Текислаш кучи қиймати таъсир этувчи омиллар қийматлари ўзгаришининг интервалини асослаш учун бир омилли тажрибалар кетма-кетлиги ўтказилди.


4-расмда ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни кесиш чуқурлигининг турли қийматларида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш, элтиш жараёнларида элтиш призмасининг отвал ёнлама кенгайтиргич ўрнатиш бурчагига боғлиқлик графиги келтирилган.



**4-расм. Қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш жараёнларида элтиш призмасининг отвал ёнлама кенгайтиргич ўрнатиш бурчагига боғлиқлик графиги**

Бульдозер отвали билан ҚМЧларни кўмиш жараёнида элтиш призмаси ҳажмининг ёнлама кенгайтиргич ўрнатиш бурчагига боғлиқлиги: 1 –  $h=30$  мм; 2 –  $h=45$  мм; 3-  $h= 60$  мм.






**5-расм. Қаттиқ маиший чиқиндиларни текислашга қаршилик кучининг ўрнатиш бурчагига боғлиқлик графиги**

Бульдозер отвали билан қаттиқ маиший чиқиндиларни текислашга қаршилик кучининг ёнлама кенгайтиргичларнинг ҳар хил бурчакда ўрнатилишига боғлиқлиги: 1 –  $h=30$  мм; 2 –  $h=45$  мм; 3-  $h=60$  мм.

6-расмда келтирилган графиклар таҳлили текислашга қаршилик кучининг ёнлама кенгайтиргич ўрнатилиш бурчаги қийматига боғлиқлиги чизиқли муносабатларга эга эканлигини кўрсатади. қаттиқ маиший чиқиндиларни кесиш чуқурлигининг ортиши билан текислаш қаршилигининг қиймати ошади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни кесиш чуқурлигининг турли қийматларида ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислашга қаршилик кучининг қайта ишланаётган материалнинг ҳажмий оғирлигига боғлиқлиги келтирилган.



**6-расм. Қаттиқ маиший чиқиндиларни текислашга қаршилик кучининг қайта ишланаётган материалнинг кесиш чуқурлиги қийматларига боғлиқлик графиги**

Бульдозер отвали билан ҚМЧларни текислашга қаршилик кучининг ҳажмий оғирликнинг турли қийматларида кесиш чуқурлигига боғлиқлиги. 1 -  $\gamma=600$  кг/м<sup>3</sup> 2 -  $\gamma=800$  кг/м<sup>3</sup> ; 3 –  $\gamma=1000$  кг/м<sup>3</sup> . 6-расмда келтирилган графиклар таҳлили текислашга қаршилик кучининг қаттиқ маиший чиқиндиларни кесиш чуқурлигига боғлиқлиги чизиқли муносабатларга эга эканлигини кўрсатади. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг ҳажмий оғирлиги ошиши билан текислаш қаршилигининг қиймати ошади. Ҳажмий оғирлик қиймати  $\gamma=1000$  кг/м<sup>3</sup> га тенг бўлганда, текислаш кучининг қиймати максимал бўлади, чунки ҳажмий оғирликнинг қиймати  $\gamma=1000$  кг/м<sup>3</sup> га тенг бўлганда, қаттиқ маиший чиқиндиларнинг солиштирма оғирлиги максимал бўлади.

2-жадвалда омиллар даражаси ва уларнинг ўзгарувчанлиги интервали кўрсатилган.

**Омиллар даражалари ва уларнинг ўзгариши интерваллари**

2 –жадвал

№	Омиллар	Код. об.	Омил даражалари			Ўзг. Инт	Ўлчов бирлиги
			-1	0	+1		
1	Ёнлама кенгайтиргич ўрнатиш бурчаги	X <sub>1</sub>	25	30	35	5	Градус
2	Кесиш чуқурлиги	X <sub>2</sub>	70	75	80	5	мм
3	Бульдозер отвалининг кенглиги	X <sub>3</sub>	60	70	80	10	мм

Экспериментал маълумотларни қайта ишлаш ва регрессия коэффицентларининг аҳамиятини баҳолашдан сўнг қаттиқ маиший чиқиндилар компонентларини бульдозер отвали билан текислашга қаршилик кучининг математик модели олинган.

$$Y = 85 - 2.3X_1 + 23.7X_2 + 17.7X_3 - 5.6X_1^2 + 6.7X_2^2 + 5.6X_3^2 \quad (9)$$

Фишер мезонига мувофиқ моделнинг адекватлигини текшириш математик моделнинг 95% ишонч билан адекватлигини кўрсатди.

$$F_{рас} = 0,95, F_{табл} = 2,36 \quad (10)$$

(9) тенглама факторларининг рационал қийматларини аниқлаш учун экстримум бўйича текширилди, бунинг натижалари 3-жадвалда келтирилган.

**Факторларнинг рационал қийматлари**

3-жадвал

Факторларнинг қийматлари	Факторлар		
	X <sub>1,град</sub>	X <sub>2, мм</sub>	X <sub>3,мм</sub>
Кодланган	0	0	0
Натурал	30,0	75	70,0
Яхлитланган	30,0	75	70.0

Шундай қилиб, ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланган бульдозер отвалининг физик моделининг асосий параметрларининг рационал қийматлари куйидагилардир:

ёнлама кенгайтиргич ўрнатиш бурчаги -  $\alpha_{\text{ёк}} \approx 30^0$  ;

қаттиқ маиший чиқиндиларни кесиш чуқурлиги -450 мм;

ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланган бульдозер отвалининг кенглиги  $B \approx 700$  мм.

Моделда ўлчанган параметрлардан тўлиқ ўлчовли натура (натура сифатида SHANTUI -32D бульдозери олинган) параметрларини тавсифловчи қийматларга ўтиш.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни бульдозер отвалининг тўлиқ миқёсли намунаси билан текислаш қаршилик кучи :

$$P_n = P_m \cdot K_B^3 = 130 \cdot 216 = 28,1 \text{ кН};$$

Ёнлама кенгайтиргич билан жиҳозланган тўлиқ миқёсли отвалнинг баландлиги:

$$H_n = H_m \cdot K_B = 210 \cdot 6 = 1260 \text{ мм};$$

Отвалнинг тўлиқ миқёсли намунаси радиусининг эгрилиги:

$$R_n = R_m \cdot K_B = 156 \cdot 6 = 936 \text{ мм};$$

Ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланган тўлиқ миқёсли бульдозер отвалининг қаттиқ маиший чиқиндиларни кесиш чуқурлиги:

$$\square_n = \square_m \cdot K_B = 75 \cdot 6 = 450 \text{ мм};$$

Ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланган тўлиқ миқёсли бульдозер отвалининг синови давридаги қаттиқ маиший чиқиндиларни компонентлари орасидаги ёпишқоқлик коэффициентлари:

$$C_n = C_m \cdot K_B = 2150 \cdot 6 = 12900 \text{ Н/м}^2;$$

Ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланган тўлиқ миқёсли бульдозер тезлиги:

$$v_n = v_m \cdot K_B = 0,15 \cdot 6 = 0,9 \text{ м/с};$$

Қаттиқ маиший чиқиндилар компонентларининг ички ишқаланиш бурчаги:

$$\rho_n = \rho_m = 23^0;$$

Қаттиқ маиший чиқиндиларни компонентларининг ташқи ишқаланиш бурчаги:

$$\delta_n = \delta_m = 50^0;$$

Ёнлама кенгайтиргич билан жиҳозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни кесиш бурчаги:

$$\alpha_n = \alpha_m = 55^0$$

Ёнлама кенгайтиргичларнинг ўрнатилиш бурчаги:

$$\alpha_{\text{н.ёк}} = \alpha_{\text{м.ёк}} = 30^0$$

Олинган критериял боғлиқликлар ва асл нусха параметрларининг модель параметрлари билан масштаб коэффициентлари орқали боғлиқлиги асл нусха параметрларининг қийматларини олишга имкон берди.

Диссертациянинг « **Қаттиқ майший чиқиндиларни текислаш ва кўмиш жараёнида ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвалининг иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи боби бульдозерни ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган отвали асосий параметрларини муҳандислик ҳисоби ҳамда бульдозерни ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган отвалининг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлашга бағишланган.

Бульдозерлар иш унумдорлиги бўйича қаттиқ майший чиқиндиларни полигонларда қайта ишлашнинг танланган технологик схемаси асосида ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланган бульдозерлар сони аниқланади.

$$N = \frac{V_{сум}}{2n\Pi_{б,о}}, \quad (11)$$

$N$  - ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланган бульдозерларнинг керакли сони;  $V_{сум}$  - қаттиқ чиқиндилар йиғилишининг кунлик ҳажми;  $n$  - сменанинг давомийлиги, соат;  $\Pi_{б,о}$  - ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланган бульдозернинг унумдорлиги.

Ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланган бульдозернинг асосий параметрларининг қийматларини қуйидаги формулалар орқали аниқлаш мумкин:

Номинал тортиш кучи

$$T_{нб} = G_{сц} \cdot \varphi_{онт}, \quad (12)$$

**Эксплуатацион оғирлик** асосий машина ва бульдозер ускуналарининг ишчи оғирликлари йиғиндиси сифатида кўрсатилади:

$$G_{б} = G_{б,м} + G_{б,о}, \quad (13)$$

**Иш давридаги тезлик** бульдозер ускуналари ва асосий машинанинг автоматлаштирилган бошқариш тизими мавжуд бўлмаганда, 2,5-3,5 км/соат оралиғида танланади. Гусеницали асосий машиналарнинг **орқага юриш тезлиги** гусеницанинг осмаси турини ва оғирлик марказининг жойлашишини ҳисобга олган ҳолда танланади. Гусеница ярим қаттиқ ва мувозанатловчи осмаларда, тезлик 7 км/соат дан ошмайди, эластик ва балансир-бўғинликда эса у 15км /соат дан ошмайди.

Иқтисодий самарадорлик мавжуд дизайнга нисбатан ёнлама кенгайтиргич билан жиҳозланган бульдозернинг унумдорлигини ошириш шarti билан ҳисоблаб чиқилган. Асосий техника (АТ) сифатида грунтни текислаш учун мўлжалланган бульдозер танланган.

Ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланиб, модернизация қилинган бульдозернинг мавжуд бульдозердан фарқи шундаки, унумдорликни ошириш мақсадида, унга шарнирлар ёрдамида отвалнинг ён томонларига ёнлама кенгайтиргичлар ўрнатилади. Гидроцилиндрларнинг ёрдами билан отвалнинг кенгайтиргичи отвал девори бўйлаб ўтувчи текисликка 30° бурчак остида ўрнатилади.

Бундан ташқари, чиқиндиларни радиаторга ёки бульдозер двигателининг бошқа химояланмаган қисмларига тушишини олдини олиш мақсадида

бульдозер отвали вертикал панжара билан жиҳозланган. Ёнлама кенгайтиргичлар ўрнатилиши ва вертикал панжара билан жиҳозланганлиги сабабли отвалнинг кенлиги ошди, бу эса бульдозернинг иш унумдорлигини 15-20% га оширишга ёрдам берди.

Солиштирилаётган вариантларнинг бир йиллик иш унумдорлигини қуйидаги формула асосида аниқлаймиз:

$$P_r = P \times T \left(1 - \frac{\alpha_p}{100}\right), \text{ т/йил} \quad (14)$$

бу ерда  $T$  – бир йил давомида механизм ишлаган вақтнинг умумий кўрсаткичи, соат;  $\alpha_p$  – майдалаш техникасини таъмирлашга кетадиган режалаштирилган иш вақтини йўқотиш, %.

$T$  қиймати қуйидаги формула асосида топилади:

$$T = 365 K_r K_c K_q \frac{PB\%}{100}, \text{ маш} \times c \quad (15)$$

бу ерда  $K_r = 0.68$  – механизмни йил давомида ишлатиш коэффиценти;

$K_c = 0.68$  – механизмни кун давомида ишлатиш коэффиценти;

$K_q = 0.83$  – механизмни 1 соат ичида ишлатиш коэффиценти;

$PB = 40\%$  – механизмни ёқиш (ишга тушириш) жараёнининг нисбий узунлиги.

$\alpha_h = 10\%$  қийматини олган ҳолда (14) формулага рақамли маълумотларни қўйиб,  $P_r$  учун қуйидагиларни топамиз:

$$P_{i.AT} = 2980 \times 1344,8 \times \left(1 - \frac{10}{100}\right) = 3.604.608 \text{ т/йил}$$

$$P_{i.YT} = 3750 \times 1344,8 \times \left(1 - \frac{10}{100}\right) = 4.536.000 \text{ т/йил}$$

Асосий ва янги техникаларнинг бир йиллик эксплуатация харажатлари қуйидагиларга тенг:

$$U_{AT} = 123750000 \text{ сум}; U_{YT} = 124850000 \text{ сўм}$$

Иқтисодий унумдорлик қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\mathcal{E}_{ii} = (Z_{y.AT} - Z_{y.YT}) \times P_{ii.YT} \quad (16)$$

бу ерда,  $Z_{y.AT}$  – асосий техника бўйича қилинган нисбий харажатлар;

$Z_{y.YT}$  – янги техника бўйича қилинган нисбий харажатлар.

$$\mathcal{E}_{ii} = (Z_{y.AT} - Z_{y.YT}) \times P_{ii.YT} = 61.752.000 \text{ сўм/йил}$$

Янги техникани жорий этишнинг бир йиллик иқтисодий самараси 61.752.000 сўмни ташкил қилди.

Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ускуна рационал параметрларининг конструктив таъминланиши ушбу ускунанинг самарадорлигини таъминлашнинг аниқ талабидир.

Шундай қилиб, бульдозер отвалини ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозлаш қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмиш жараёнларининг самарадорлигини сезиларли даражада оширди.

## ХУЛОСА

“Қаттиқ ва маиший чиқиндиларни текислаш ва кўмишга мўлжалланган бульдозер отвалининг асосий параметрларини ишлаб чиқиш ва асослаш” мавусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қаттиқ маиший чиқиндиларни бульдозер отвали ёрдамида текислаш жараёни таҳлил қилинган ва жараённинг математик модели такомиллаштирилган ҳамда бульдозер ишчи органи асосий параметрларининг рационал қийматлари аниқланган;

2. Ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвали ёрдамида қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш жараёнини физик моделлаштириш услубини ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган методика асосида йўл қурилиш машиналари ишчи органлари билан турли муҳитларга ишлов бериш жараёнларини моделлаштириш имконияти туғилади.

3. Экспериментал тадқиқотлар ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган дастур ва методика асосида қаттиқ маиший чиқиндиларнинг морфологик ва фракцион таркиблари ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг фракциялари ўлчамларига морфологик таркиби аниқланган.

4. Бульдозер отвалининг рационал параметрлари аниқланди:

ёнлама кенгайтиргич ўрнатиш бурчаги –  $\alpha_{\text{ёк}} \approx 30^{\circ}$ ;

қаттиқ маиший чиқиндиларни кесиш чуқурлиги  $-h \approx 450$  мм;

ёнлама кенгайтиргичлар билан жиҳозланган бульдозер отвалининг кенглиги  $B \approx 700$  мм.

5. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра бульдозер отвалининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган, унинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши қаттиқ маиший чиқиндиларни текислаш самарадорлигини мавжуд техникаларга нисбатан 30-35 % га оширади.

6. Ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер отвалини ишлатишдан йиллик иқтисодий самарадорлик 61.752.000 сўмни ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/03.12.2019.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**АСЛАНОВ НОРКУЛ РАББОНАЕВИЧ**

**РАЗРАБОТКА И ОБОСНОВАНИЕ ОСНОВНЫХ ПАРАМЕТРОВ  
ОТВАЛА БУЛЬДОЗЕРА ДЛЯ ЗАХОРОНЕНИЯ И РАЗРАВНИВАНИЯ  
ТВЕРДЫХ И БЫТОВЫХ ОТХОДОВ**

**05.08.06 – Колесные и гусеничные машины и их эксплуатация**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент- 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PHD/T1676.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном Транспортном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) на веб-сайта научного совета (www.tdtu.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:**

**Ханкелов Тавбай Каршиевич**  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Базаров Бахтиёр Имамович**  
доктор технических наук, профессор

**Астанакулов Комил Дулшевич**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Андижанский институт машиностроения**

Защита диссертации состоится «16» 10 2021 года в 12<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.18/30.12.2019.T.09.01 при Ташкентском государственном транспортном университете (Адрес: 100167, г. Ташкент, улица Адылходжаев, 1. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit\_rektorat@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (зарегистрирована № 167). (Адрес: 100167, г. Ташкент, улица Адылходжаев, 1. Тел.: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit\_rektorat@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «08» 10 2021 года.  
(реестр Протокола рассылки № 6 от «08» 10 2021 года).



**А.А.Рискулов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Р.М. Худайкулов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, PhD, доцент

**А.А. Мухитдинов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире уменьшение отрицательного воздействия твердых бытовых отходов возникающих в процессе жизнедеятельности людей на города и населенные пункты, т.е. в обеспечении экологической безопасности городов и населенных пунктов своевременный сбор, транспортировка и их обезвреживание на полигонах имеет важное значение. В связи с этим, во многих зарубежных странах, в том числе в США, Германии, Японии, Швеции, Франции, особое внимание уделяется совершенствованию систем управления в области обращения с отходами, а также внедрению современных технологий и машин в процессы сбора, транспортировки, переработки и обезвреживания отходов на полигонах. В этом отношении, повышение эффективности использования бульдозеров при разравнивании и захоронении твердых бытовых отходов на полигонах имеет важное значение.

В мире особое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на оптимизацию конструктивных и технологических параметров бульдозеров, используемых для захоронения и захоронения твердых отходов. В связи с этим для разработки рациональных значений основных параметров бульдозерного отвала, используемого для захоронения и захоронения твердых бытовых отходов на полигонах, необходимо иметь информацию об объемах сбора, свойствах, их сборе и транспортировке, переработке и утилизации. В связи с этим разработка многоцелевых новых рабочих органов бульдозеров для различных сфер производства и выбор их рациональных параметров является одним из основных необходимых вопросов теоретических и практических исследований.

